

2019 йилнинг 28-29 март кунлари ТИҚХММИда “Қишлоқ ва сув хўжалигининг замонавий муаммолари” мавзусидаги анъанавий XVIII - ёш олимлар, магистрантлар ва иқтидорли талабаларнинг илмий-амалий анжумани ўтказилиши белгиланди

Хурматли ёш олимлар, магистрантлар ва талабалар!

Сизни **2019 йилнинг 28-29 март** кунлари ТИҚХММИда ўтказиладиган «**Қишлоқ ва сув хўжалигининг замонавий муаммолари**» мавзусидаги анъанавий **XVIII**-ёш олимлар, магистрантлар ва иқтидорли талабаларнинг илмий-амалий анжуманига таклиф этамиз.

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ
ИНСТИТУТИ**

«**Қишлоқ ва сув хўжалигиннинг замонавий муаммолари**» мавзусидаги анъанавий

XVIII-ёш олимлар, магистрантлар ва иқтидорли талабаларнинг илмий-амалий анжумани

АҲБОРОТХАТИ

Анжуманинг асосий мақсади: Қишлоқ ва сув хўжалигининг замонавий муаммоларини ечиш мақсадида илмий-услубий ва ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш ҳамда кадрларни тайёрлаш борасида ёш олимлар, магистрантлар ва иқтидорли талабаларнинг илмий изланишлари натажаларини муҳокама этиш ва оммалаштиришдан иборат.

Анжуманда қўйидаги илмий йўналишларда иш олиб борилади:

Шўба Анжуман йўналишлари номи

1. Суфориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш муаммолари
2. Сув ресусларини бошқариш, экология ва атроф муҳит муҳофазаси муаммолари
3. Гидротехника ва Гидроэнергетика муаммолари
4. Қишлоқ хўжалигини механизациялаш муаммолари
5. Гидромелиоратив ишларни механизациялаш муаммолари
6. Қишлоқ ва сув хўжалигининг энергетика ва автоматлаштириш соҳаларида замонавий энерготежамкор технологияларни қўллаш
7. Ер ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва муҳофаза қилиш муаммолари
8. Сув хўжалигида иқтисодий муаммолар, менежмент ва маркетинг
9. Сув хўжалиги масалаларида математик моделлаштириш усуллари ва ахборот технологияларини қўллаш
10. Хаёт фаолияти хавфсизлиги масалалари
11. Сув хўжалигида рақобатбардош кадрлар тайёрлашнинг ижтимоий, педагогик маънавий омиллари

Расмийлаштиришга оид талаблар: Матн ўзбек, рус ва инглиз тилларида қабул қилинади. Тақдим қилинадиган материал аннотация, матн, жадвал расм ва фойдаланилган адабиётлар

рўйхати билан З бетдан иборат бўлиши, А-4 ўлчамли оқ қоғозда тўлик саҳифаланиб, Word 2003 таҳриргаҳидаги Тимес New Роман 12 шрифтида 1 интервалда пухта таҳрирланган ҳолда тайёрланиши керак. Электрон шакли билан (флешкада) тақдим этилади. Матн ўнг томонидан 2.2 см., чап томонидан 2.3 см., юқоридан 2 см., пастан 2 см. дан хошия қолдириб тайёрланади.

Маъруза сарлавҳаси катта харфлар билан марказлашган ҳолда қорайтириб ёзилади, кейинги қаторга муаллиф(лар)нинг Ф.И.Ш. ўқиш (иш) жойи кўрсатилади. Сўнгра бир интервал ташлаб мавзунинг аннотацияси, кейин асосий мақсади берилади ва яна бир интервал ташлаб асосий матн жойлаштирилади.

Институтнинг ИТИ режасига киритилган мавзулар, ТИЖда ўрганилган мавзуларда иқтидорли талабаларнинг иштироки, шунингдек, Илмий амалий анжуманга талаба томонидан топшириладиган илмий мақолаларнинг долзарблиги, натижаларини назарий таҳлили ва хаққонийлигини таъминлаш илмий раҳбар ва кафедра мудирлари зиммасига юқлатилиб, экспертиза далолатномаси тўлдирилган ҳолда **2019 йилнинг 18-мартигача** қабул қилинади. Талабга жавоб бермайдиган материаллар қабул қилинмайди. Мақолалар ўзгартиришларсиз чоп эттирилади.

Экспертиза далолатномасининг бланкасини **Иқтидорли талабаларнинг илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш бўлими (Темирова Зохида)**дан оласиз.

Ташкилий қўмита манзили: 100000 Тошкент, Мирзо Улуғбек тумани, Қори Ниёзий кўчаси, 39 уй. Тошкент иригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти. ИТИваИПКТ бўлими. Тел: 237-19-61, 237-09-46.